

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантиришдаги ўрни таҳлил қилган.

Шунингдек, мақолада тадбиркорлик фаолиятининг жамият социал структурасида тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни юксалтиришдаги аҳамияти ҳам ўрганилган.

СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЕЖИ

Собиржон З. Казаков

Преподаватель

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: молодежь, реформа, общество, предпринимательство, культура, личность, бедность, этика, политический институт, деловая культура, национальный менталитет.

Аннотация: В статье освещены социальные факторы предпринимательской культуры в условиях реформирования в нашей стране, в ней широко освещено понятие предпринимательская культура и составляющие ее элементы. Автор проанализировал социальные факторы, влияющие на формирование предпринимательской культуры, а именно государство, политические институты и их роль в организации, развитии предпринимательской деятельности.

В статье также изучена роль предпринимательской деятельности в структуре общества, ее роль в повышении социально-экономической жизни.

КИРИШ

Глобаллашув жараёнида ёшлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ёшлар тадбиркорлик фаолияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ташкил этувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ёшлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда энг аввало, тадбиркор шахс маданиятини шакллантириш зарур бўлиб, у фаолияти давомида жамият аъзоларининг ўртасида ўз мавқеига эга бўлади. Яъни, жамият социал структурасида тадбиркорлар қатламининг шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Бу эса, мамлакатимиздаги ислохотлар шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, ёшлар тадбиркорлик фаолияти маданиятини шакллантиришни ўрганиш доирасида илмий изланишлар олиб бориш

белгиланган. Тадқиқотдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган шахсларни маданиятининг ижтимоий омилларини илмий таҳлил этиш ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатимиздаги ислохотлар шароитида ёшлар тадбиркорлик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий омилларини таҳлил қилишнинг долзарблиги бир қатор объектив сабаблар билан характерланади. Мазкур муаммони Ўзбекистон ҳудудида социология фани доирасида кам ўрганилганлиги тадбиркор шахс маданиятини тадқиқ этиш заруриятини билдирса, иккинчидан, тадбиркор шахс маданиятини шакллантириш фаолиятнинг ушбу турини ривожлантириш учун кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқишда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар даврида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг истиқболли йўналишларининг белгилаш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ёшлар тадбиркорлик маданияти мустақил жараён эмас, у ҳам тадбиркорнинг маданиятини, ҳам тадбиркорлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари маданиятини яъни, ишчилар, истеъмолчилар ва харидорларнинг маданиятини ўзида мужассамлаштиради. Бу эса, тадбиркорлик маданиятини жамият ҳаётида нақадар муҳим эканлигини англатади ва у жамият аъзоларининг ўртасида амал қилувчи ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Айниқса, ёшлар тадбиркорлик маданияти шахслараро муносабатлар тизимида яққол кўзга ташланиб, тадбиркор шахснинг ҳар қандай хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Шу боисдан, мамлакатимиздаги ислохотлар шароитида ёш тадбиркорларнинг маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бевосита у жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, тадбиркорлик маданияти ёшлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабдан, соғлом тадбиркорлик маданиятини шакллантириш фаолиятнинг бу турининг унумдорлигини ошириши мумкин, носоғлом тадбиркорлик маданияти эса, тадбиркорлик фаолиятининг ўсишига ҳалақит бериши ёки фаолиятни бутунлай инкирозга юз тутишига олиб келади. Шунинг учун ёшларда тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда энг аввало, ҳалқларнинг миллий менталитети, қадрият, урф-одат ва анъаналарини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, ер юзидаги ҳар бир ҳалқнинг миллий қадрият ва анъаналари мавжуд бўлиб, бу эса, тадбиркорлик маданиятини шаклланишида муҳим ролни ўйнайди.

Шу сабабдан, ривожланган мамлакатларда, айниқса АҚШ ва Японияда тадбиркорларнинг ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган. “Тадбиркорларнинг ахлоқ кодекси”

биринчи марта АҚШда 1913 йили ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини асосий қоидалари қабул қилинган [1].

Бу кодексдаги қоидалар ягона асосга жамланган бўлиб, улар тадбиркорлик соҳасидаги усул ва сиёсатни баҳолаш, ҳақиқат ва адолатлилик тушунчалари билан уйғунлашиши белгиланган.

Шунингдек, рус олими П.И. Шихирев тадбиркорлик маданиятига қуйидагича таъриф берган: Тадбиркорлик маданияти – бу компания ичидаги ва компаниянинг ташқи дунё билан муносабатларидаги нормалар ва қадриятлар, ходимлар ўртасидаги алоқа шакллари ва усулларида мустаҳкамланган ижтимоий ўзаро муносабатларнинг барқарор шакллари тўплами бўлиб, унинг моҳияти тадбиркорликнинг ўзаро муносабатларида қабул қилинган қоидаларга қилишдан иборатдир [2, 145].

Бундан кўришиб турибдики, ривожланган мамлакатларнинг олимлари томонидан тадбиркорлик маданиятига таъриф беришда бир-бирига ўхшаш турли ҳилдаги муносабат билдиришган. Лекин, бу тадбиркорлик маданиятига берилган таърифнинг умумий мазмунини ўзгартирмаганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик маданиятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбиркорлик маданияти – бу жамиятда амалдаги ҳуқуқий меъёрлар (қонунлар, низомлар), ишбилармонлик одатлари, ахлоқий қоидалар ва цивилизациялашган бизнесни юритиш стандартларига мувофиқ равишда субъектлар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг аниқ, белгиланган принциплари ва усуллари билан иборатдир [3].

Бундан кўришиб турибдики, ёшлар тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда жамиятда амалдаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлардан тортиб, то ахлоқий қоидаларгача муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ёшлар тадбиркорлик маданияти элементларининг асосини ташкил этади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 11 мартда қабул қилинган “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 132-сонли Қарорини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки, Ёшлар ишлари агентлиги ва «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси билан биргаликда ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда кўмаклашиш, кредит ажратилгандан сўнг ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида амалий ёрдам кўрсатиб борсин” [4] дейилган.

Бундан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида ёшлар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, мамлакатимиз ижтимоий-демографик жиҳатдан ёшлар мамлакати ҳисобланди. Бу эса, ислохотлар шароитида ёшлар сиёсатида алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Шунингдек, тадбиркор шахс маданиятли бўлиши учун энг аввало, у замонавий билимларни яхши ўзлаштириши талаб этилади ва шу орқали унинг дунёқараши ўзгариб, замон билан ҳамнафас бўлиб, моддий неъматларни яратади. Бу эса, уларни жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ёшларнинг тадбиркорлик маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида тўхталиб, шундай деган эдилар: “Ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” [5]. Бу эса, ислохотлар шароитида жамиятнинг ҳар бир аъзосида тадбиркорлик кўникмасини шакллантириб, уларда тадбиркорлик маданиятига эга бўлишни талаб этади. Чунки, соғлом тадбиркорлик маданияти ёшлар тадбиркорлик фаолиятининг бир қисми ҳисобланади ва у фаолият мувафакқиятини таъминлайди.

Айниқса, тадбиркор шахсда маданиятни шакллантиришда жамиятда фаолият юритаётган сиёсий институт ва ҳаракатларнинг ўрни каттадир. Чунки, бу тадбиркорлик манфаатларини ифода этадиган турли партиялар, сиёсий ҳаракатларга тааллуқли бўлиб, жамият етуқлигининг муҳим мезони бу тадбиркорларнинг мамлакатдаги сиёсий вазиятга таъсир ўтказиш қобилиятидир. Ўзбекистондаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, амалдаги қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимида тадбиркорларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинади. Бу эса, **бир томондан** – ёшлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишларини ортишига олиб келади. Сабаби, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлганларнинг ижтимоий ҳаётда катта ўринга эга бўлишлари, бевосита ёшлар қатламини бефарқ қолдирмайди ва улар учун тадбиркор шахс замонавий қаҳрамон сифатида намоён бўлади;

Иккинчи томондан – тадбиркор шахснинг сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлиши, бу бозор муносабатларининг қонунияти ҳисобланади. Шундагина, жамиятда ислохотларни амалга оширишда, жамиятда янгиликларни жорий этишда намоён бўлади;

Учинчи томондан эса, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган ёшлар қатлами ўртасида миллий ўзликни англаш ортади. Чунки, уларнинг барча қонуний хатти-

ҳаракатлари бевосита жамият манфаатлари учун хизмат қилади. Бу эса, тадбиркор шахс маданиятли бўлиши учун унда қўшимча маъсулият юклайди.

Шунингдек, ислохотлар шароитида тадбиркор шахс маданиятини шакллантириш жамият аъзолари ўртасида камбағалликни камайтиришни таъминлайди ва бу ҳозирги кунда мамлакатимиздаги давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев камбағалликни камайтириш – деганда - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир [5]. Бу эса, ислохотлар шароитида жамият аъзолари ўртасида янги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни тақозо этади. Чунки, Президент Ш.Мирзиёев “Халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта бой ва қудратли бўлади” [6, 116] деган эди. Дарҳақиқат, давлатда тадбиркорлар қатлами қанча кўпайса, юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммолар шунча кам бўлади. Сабаби, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этган шахс энг аввало, ўз оила аъзоларини, қариндошларини иш билан банд этади. Бу эса, жамиятда ишсизлар сонини камайтириш билан биргаликда, аҳолини даромадларини ортиришга хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатимиздаги ислохотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимиздаги ислохотлар шароитида тадбиркор шахс маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, тадбиркорлик маданияти ёшлар тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у фаолиятнинг бу кўринишини ривожланиши учун хизмат қилади. Шунинг учун тадбиркорлик маданияти мустақил жараён ҳисобланмайди ва у кўп тармоқли бўлиб, ўз ичига жамиятнинг бир нечта қатлам вакилларининг ижтимоий муносабатларини қамраб олади. Бу эса, жамият социал структурасида тадбиркорлар қатламини шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳаётдаги мавқеининг янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

- тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда ҳалқимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарини инобатга олиш лозим. Чунки, ҳалқимиз маданияти узоқ тарихга эга бўлиб, тадбиркор шахс маданияти уни замонавий маданият билан қориштиради. Бунинг натижасида тадбиркорлик маданияти шаклланади ва юксак даражага кўтарилади;

- жамият аъзоларига тадбиркорлик билимларини беришда уларга маданият тўғрисида ҳам билим бериш лозим. Сабаби, шахсда тадбиркорлик маданияти тўғрисидаги дастлабки билимлар шу жараёнда шаклланади. Бу вазифани эса, ўрта, ўрта махсус, олий таълим муассасалари, бизнес инкубатор ва ўқув марказлари бажаради;

- тадбиркор шахсларнинг мулоқот кўникмаларини шакллантириш лозим. Чунки, тадбиркорлик маданияти энг аввало, мулоқот жараёнида намоён бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг бошқарув, маркетинг ва бошқа соҳаларини юксалтиради. Бу эса, тадбиркор шахсда муомала маданиятини юқори даражага олиб чиқишни талаб этади. Шундагина тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётнинг асосини ташкил этади ва фаолиятнинг бу кўринишини жамиятдаги мавқеи янада кўтарилади;

- тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилувчи сиёсий институт ва ҳаракатларнинг фаолиятини янада жадаллаштириш. Тадбиркор шахс манфаатлари сиёсий ҳаётда ҳимоя қилиниши бевосита унинг эртанги кунга бўлган ишончини ортиради ва шу орқали унда мулкдорлик ҳисси шаклланади. Тадбиркор шахснинг меҳнат ва мулкый муносабатларида намоён бўлади;

- тадбиркор шахсда маданиятни шакллантирилиши жамиятдаги камбағалликни қисқартириш учун кўмаклашади. Чунки, маданиятли шахсда ғамхўрлик, меҳр-оқибат каби ҳислатлар ҳам мужассамлашган бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ислохотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тадбиркорлик фаолияти жамият тараққиётини таъминловчи двигатель ҳисоблиб, фаолиятнинг бу кўриниши жамият ҳаётида мунтазам равишда фаол ҳаракатда бўлиши талаб этилади. Бу эса, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур эканлигини англатади ва уларнинг стратегик ривожланиши учун давлат дастурлари қабул қилинади. Шу орқали, тадбиркорлик фаолиятининг янги қирралари намоён бўлади ва унинг тараққиёти давлат томонидан қафолатланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Тадбиркорлик этикаси ва маданияти <https://hozir.org/6--mavzu-tadbirkorlik-etikasi-va-madaniyati.html>
2. Шихирев П. И. Этические принципы ведения дел в России. М.: Финансы и статистика, 1999.-С.145.
3. Сущность культура предпринимательство <https://works.doklad.ru/view/OYUp81gkbLw/all.html>
4. <https://lex.uz/docs/5328442>

5. Мирзиёев Ш. “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”.
<https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
6. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2018 й. –Б. 116.
7. “Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг ижтимоий кўрсаткичлари”. Ижтимоий тадқиқотлар илмий журнали. 2020 йил 2-сони. 3-жилди. 111-120 бетлар.
8. Ganiyev, B. S. (2020). EDUCATION-PRIORITY SPHERE OF REFORM IN THE CONDITIONS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 2020(1), 106-111.
9. Sodiqjonovich, G. B. (2020). Social and philosophical aspects of family entrepreneurship development. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1228-1234.
10. Рахимов, Д. Ш. (2021). САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Scientific progress*, 1(6), 505-511.
11. Ganiyev, B. S. (2019). INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 122-129.
12. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
13. Ismoilovich, I. M. (2022). NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING TARBIYAVIY АНАМИЯТИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 88-91.
14. Jumaniyazova, N. A. O. (2022). MALAYZIYA TAASSUROTLARI (2002-2003-YILLARDAGI XIZMAT SAFARI ASOSIDA). *Scientific progress*, 3(2), 868-873.
15. Казаков, С. З. (2019). Социальные факторы формирования представлений о предпринимательстве в Узбекистане. *Социальная политика и социальное партнерство*, (12), 55-63.
16. Tojaliyev, A. A. (2019). The necessity of using innovations in new developing process higher education. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 132-136.

17. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.

18. КАРИМОВ, Ў. ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ. *СТУДЕНЧЕСКИЙ ВЕСТНИК Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука"*, 78-80.

19. Tojaliev, A. A. (2021). Higher education system-a guarantee of sustainable development of society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1021-1025.

20. Tojaliyev, A. A. (2020, December). The Role Of Innovative Activities Of Highly Qualified Personnel In The Strategic Development Of The Regions. In *International scientific and current research conferences* (pp. 154-156).

21. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(1), 88-93.

22. Yuldashov, I., & Goynazarov, G. (2021). A need to improve the institutional system for increasing the social activity of young people at the stage of development. *Интернаука*, (12-3), 18-19.

23. Yuldashov, I., Parpiev, O., Makhmutaliev, A., Tukhtanazarov, I., & Umaralievich, K. U. (2021). Pedagogical bases of formation of physical culture and social culture in Youth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 54-58.

24. Исроилов, М. И., & Исроилова, С. М. (2022). ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 82-87.

25. Козоков, С. З. (2020). ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(1).

26. Sodirzoda, M. M. (2021). TO INCULCATE NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH ETIQUETTE LESSONS. *Conferencea*, 31-32.

27. Mukumzhanovna, M. M. (2022, March). THE ROLE OF ARCHIVAL ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF SOCIAL MANAGEMENT IN UZBEKISTAN AT THE PRESENT STAGE. In *E Conference Zone* (pp. 13-17).

28. Муйдинова, М. М. (2020). Архивы Узбекистана в социальном управлении. *Социальная политика и социальное партнерство*, (4), 70-76.

29. Муйдинова, М. М. (2021). АРХИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

30. Муйдинова, М. М. (2020). АРХИВЫ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ В СОЦИАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL 1).

31. Anvarjonovna, A. O. (2021). AESTHETIC CULTURE OF THE EDUCATOR. In *Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences* (pp. 253-255).

32. Jabborova, M. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF SOCIETY. *Экономика и социум*, (6-1), 129-132.

33. Арипов, З. Т. (2020). ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНО-РЕЧЕВОЙ ГОТОВНОСТИ СТАРШИХ ДОШКОЛЬНИКОВ К ОБУЧЕНИЮ. *ББК 74.268. 0 П 78 Рецензенты: доктор филологических наук ЕА Елина доктор филологических наук НМ Орлова*, 108.

34. Zokirovich, Q. S. (2021). Social factors of entrepreneurship support in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1502-1507.

35. Козоков, С. З. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(2).